

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Ergo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҲОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590

80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Эгамбердиева Нигора Азадовна,
Низомий номидаги ТДПУ докторанти, доцент. т.ф.н.

Шапсанова Нодира Бердикуловна,
Тошкент кимё технология институти
Шахрисабз филиали ўқитувчиси

ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Egamberdieva Nigora Azadovna, Shapsanova Nodira Berdikulovna. WRITTEN SOURCES ABOUT THE HISTORY OF ANCIENT BACTRIA AND QUESTIONS OF HISTORICAL ANALYSIS. Look to the past. 2020, SI, pp.625-635

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-83>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бақтриянинг қадимги даврларга оид "Авесто", эрон, рим, юнон, маҳаллий ва хитой юнон ёзма манбаларидаги баёни берилган. Улардаги маълумотлар таҳлил қилинган. Бактра сўзининг этимологияси, ахамонийлар томонидан босиб олинган жараёни, талант миқдори, солиқлар, Македонскийнинг бақтрияликлар билан муносабати каби масалаларга эътибор қаратилган. Шимолий Афғонистондан мил.авв. IV асрларга оид бўлган ҳужжатларнинг тадқиқоти масалалари илгари сурилган. Хитой манбалари асосида хитойликлар Бақтрияга Ҳиндистон орқали борганликлари асосланган.

Калит сўзлар: Бақтра, ахамонийлар, Кир II, Доро I, Македонский, Квинт Курций Руф, Герадот, Персополь, Бандихон, Чжан Цянь.

Эгамбердиева Нигора Азадовна,
докторант ТГПУ им. Низоми, доцент. к.и.н.

Шапсанова Нодира Бердикуловна,
преподавательница Шахрисабзского филиала
Ташкентского химико-технологического института

ПИСЬМЕННЫЕ ИСТОЧНИКИ О ИСТОРИИ ДРЕВНЕЙ

БАКТРИИ И ВОПРОСЫ ИСТОРИЧЕСКОГО АНАЛИЗА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается древняя история Бактрии на основе "Авесты", древнеиранских, древнеримских, греческих, древнебактрийских и китайских письменных источников. Анализируются их данные. Обращено внимание на этимологию слова "Бактра", процесс завоевания Ахеменидами, стоимость таланта, налоги и отношения Македонского с бактрийцами. Рассмотрены вопросы исследования найденных документов из северного Афганистана, датированных IV веком до н.э. На основе китайских источников обосновано, что китайцы прибывали в Бактрию через Индию.

Ключевые слова: Бактра, Ахемениды, Кир II, Дарий I, Македонский, Квинт Курций Руф, Гератот, Персеполь, Бандихан, ЧжанЦян.

Egamberdieva Nigora Azadovna

Doctorant of Tashkent State Pedagogical University, PhD in History.

Shapsanova Nodira Berdikulovna

Teacher of the Shahrizabz branch of the Tashkent institute of chemical technology

WRITTEN SOURCES ABOUT THE HISTORY OF ANCIENT BACTRIA AND QUESTIONS OF HISTORICAL ANALYSIS

ABSTRACT

The article discusses the ancient history of Bactria on the basis of the "Avesta", ancient Iranian, ancient Roman, Greek, ancient Bactrian and Chinese written sources. Their data is analyzed. Attention is drawn to the etymology of the word "Bactra", the process of the conquest of the Achaemenids, the cost of talent, taxes and Macedonian relationships with the Bactrians. The questions of the study of documents found from northern Afghanistan dating are considered from the 4th century BC. Based on Chinese sources, it is substantiated that the Chinese arrived in Bactria through India.

Index Terms: Bactra, Achaemenids, Cyrus II, Darius I, Macedonian, Quintus Curtius Rufus, Geradot, Persopol, Bandihan, Zhang Qiang.

Қадимги Бақтрия Амударёнинг юқори оқимида жойлашган йирик тарихий-маданий ўлка. Амударё қадимги Бақтрияни икки қисмга ажратган. Амударёнинг ўнг қирғоғида Шимолий Бақтрия ва чап қирғоғида жанубий Бақтрия жойлашган. Шимолий Бақтрия худудига бугунги кунда Ўзбекистоннинг Сурхон воҳаси ва Тожикистоннинг жанубий-ғарбий худудлари, Жанубий Бақтрияга Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги Тохар, Қундуз, Балх, Жаузжон вилоятлари ва Фарёб, Саманган, Боғлон вилоятларининг бир қисми киради. Қадимги Бақтрия подшолигининг пойтахт шаҳри Бақтра ҳисобланган. Ҳозирги кунда Бақтра шаҳри Афғонистоннинг Балх вилояти худудига тўғри келади.

Қадимги Бақтрия давлати тарихи XIX асрнинг сўнгида Европа тарихчилари томонидан антик давр тарихчиларининг асарларини ўрганиш орқали бошланган. Бугунги кунда ёзма манбалардаги маълумотлар археологик маълумотлар билан

солиштирилган ҳолда таҳлил этилмоқда.

Ёзма манбалардаги маълумотлар асосида таҳлил қилинган дастлабки маълумот, давлат номининг этимологик талқинидир[13]. Бақтрия номи турли ёзма манбаларда турлича ифодаланган бўлсада, улар бир-бирига яқин маънони ифодалайди: "Авесто" да "Баҳди", юнон авторларида "Бақтриана", Эрон ёзма манбаларида "Бақтриш", Хитой манбаларида "Дахя", ҳинд манбаларида "Балҳика" тарзида берилган. Кўпчилик тадқиқотчилар Бақтра номини Амударёнинг ирмоғи бўлган Балхоб дарёси номи билан боғлайдилар. "Балх" сўзининг дарёнинг номи билан боғланганлигини Квинт Курций Руф, Плутарх, Плиний ва Страбон ёзиб қолдиришган. Плутарх "У (Бақтр дарёси) шаҳарга ва ўлкага номини берди" деб ёзиб қолдирган бўлса, Плинийда "...шаҳар -Зариасп, кейинчалик дарё номи билан Бақтра деб аталди". Юнон муаллифлари асарларидан қадимги Бақтрия давлатининг пойтахт шаҳри "Зариасп" деб ҳам аталганлиги ҳақида маълумотга эга бўламиз. Бақтрия сўзи дарё номидан келиб чиққанлигини Р.Фрай ҳам ўз тадқиқотида кўрсатиб ўтган[23,Б.72]. Бақтрия сўзи этник бирликни эмас, географик номдан келиб чиққан.

Бақтриянинг сиёсий тарихи тўғрисидаги дастлабки маълумотлар "Авесто"да учрайди. Бақтрия "Видевдат"нинг биринчи бобида Ахурамазда томонидан яратилган қадимги 16 давлатларнинг номлари қаторида тилга олинган. Унда Бақтрия "Баҳди" шаклида ёзилиб, тўртинчи мамлакат сифатида тилга олинган: "Тўртинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган, баланд байроқли гўзал Баҳдига асос солдим"[1,Б.67]. Демак, Қадимги Бақтрия мил.авв. VIII -VI асрларда қудратли давлатлардан бири бўлган. Бу Ктесий Книдский нинг қолдирган маълумоти билан ҳам асослаш мумкин. Унинг маълумоти Диодор Сицилискийнинг "Тарихий кутубхона" асарида келтирилган: "Бақтриана ўлкаси, кўп шаҳарларга эга, уларнинг орасида асосийси пойтахт шаҳридир. У Бақтра деб номланади ва бошқа шаҳарлардан ўзининг улугворлиги ва аркининг қудратлилиги билан ажралиб турарди. У ерда Оксарт подшолик қилади..."[6]. Тадқиқотчилар фикрича, Диодор ўз асарининг 2-қисмини Ктесий асаридан фойдаланган ҳолда ёзган[18]. Ктесий асарида Осурия подшоси Нин ва Семирамида билан боғлиқ афсона келтирилган. Тадқиқотчилар фикрича, Осурияда Нин исмли подшо ҳумронлик қилмаган бу бир афсона[21, Б.218; 9, Б.19] деб баҳолашса-да, Осурия худудида Нин ва Ниневея шаҳарлари мавжуд бўлган. Шунингдек, Семирамида Осурия маликаси Шаммураматнинг юнон тилидаги аталиши ҳисобланади[17, Б.88; 36; 4, Б.62]. Нин номи ҳам Осурия подшосининг юнон тилидаги номланиши бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Осурия тарихида мил.авв. 823-811 йилларда ҳумронлик қилган Шамшиадад V афсонада берилган Нин подшоси билан қиёслашади. Шамшиадад V отаси Салманасар III нинг ҳарбий юришларини давом қилдирган[18, Б.88]. Урарту, Мидия ва Парсуани эгаллаган. Шамшиадад V нинг Шаммурамат (Семирамида) исмли маликаси бўлган. У Шамшиадад V вафотидан сўнг 5 йил мамлакатни мустақил бошқарган.

Диодор ўз асарида яна қуйидаги фикрларни келтиради: "...Ниннинг бутун Осиёни Таниасдан Нилгача бўлган худудларни эгаллашга иштиёқи кучли эди. Шу сабаб у Мидияга ўз дўстларидан бирини сатрап қилиб тайинлаб, ўн етти йил давомида ҳиндлар ва бақтрияликлардан ташқари, бутун Осиё қабилаларини бўйсундирди. Ҳеч бир ёзувчи бу юришлар ҳақида ёзиб қолдирмаган, Ктесей Книдский асаридаги асосий жойлари ҳақидагина биз қисқача гаплашамиз"[18]. Диодорнинг қолдирган бу маълумоти ҳам қадимги даврларда, яъни мил.авв. VIII-

VII асрларда қадимги Бақтрия давлатининг қудратини акс эттиради. Нин Бақтрияга икки марта юриш уюштиради. Биринчисида мағлубиятга учрайди. Кейинчалик Оссурияда ўзига мустақкам шаҳар қургач, алоҳида тайёргарлик кўриб, иккинчи марта Бақтрияга юриш қилади. Бу жараён ҳам Диодор асарида қуйидагича таърифланган: "Нин ўзига қарам бўлган барча халқлардан армия тўплади. Ктесийнинг кўрсатишича, бир миллион етти юз минг пиёда аскар, икки юз минг отлик, ўн минг жанг аравалар билан юриш қилди. Бу мисли кўрилмаган армия эди." [18] Диодор асарида Бақтрия сатрапи Оксарт жанг қилишга яроқли бўлган барча аҳолисини тўплаганда, уларнинг сони тўрт юз мингни ташкил этган. Нин ўз армияси билан Бақтриянинг кўпгина шаҳарларини босиб олишга муваффақ бўлади, лекин пойтахт шаҳар Бақтрани эгаллай олмайди. Шу пайтда Семирамиданинг ёрдами билан Бақтра шаҳри эгалланади. Жангда Бақтрия сатрапи Оксарт ҳалок бўлади. Нин Бақтриянинг жуда бой олтин ва кумушдан иборат хазинасини эгаллайди [12, б.131-132].

Бу воқеалар тавсифи баъзи олимлар томонидан афсона тарзда қабул қилган бўлса-да, мил.авв. VIII-VII асрларга оид қадимги Бақтрия худудида кўплаб қалъаларнинг излари топилган [3, Б.110]. Археологик тадқиқотлар ҳам қадимги Бақтрия давлатининг мустақкам давлатлардан бири бўлганлигини асослайди. Шунингдек, бу афсона Помпей Трог, Арриан ва Ксенофонд асарларида ёритилган бўлсада, уларда подшолар номи турлича ёзилган. Ксенофонт бу воқеалар Оссурия шоҳи Киаксар замонида бўлган деб ёзиб қолдирган. Шунингдек, Оссурия шоҳлари архивидан Оссурия шоҳидан ёрдам сўраб ёзган айғоқчининг номлари сақланиб қолган. Унда "... лекин, мен лазуритни олиб кетганимдан сўнг, мамлакатда (Бақтрияда) бунга қарши кўзғолонлар бошланди, шундан сўнг катта ҳарбий куч юборишни илтимос қилдим" [7, Б.335-336]. Бу маълумот ҳам қадимги даврда Бақтрия сиёсий майдонда ўзига хос ўринга эга бўлганлигини кўрсатади. Антик давр тарихчилари маълумотлари бўйича, Бақтрия лазуритлари юқори баҳоланган. Тадқиқотчилар Оссурия подшолиги билан Бақтрия подшолиги ўртасидаги узоқ масофа бўлганлигини инобатга олиб, Бақтриянинг Оссурияга қарам бўлганлигини инкор қиладилар. Лекин Бақтрия худудидаги қимматбаҳо тошлар, асосан лаъл (лазурит) қадимги дунё ҳукмдорлари диққат марказида бўлган. Бойлик уларни узоқ масофани босиб ўтиб, бойликга ҳукмронлик қилишга ҳалал бермаган бўлиши мумкин. Шунингдек, манбаларда биз "афсонавий ҳиндлар диёри" тўғрисидаги маълумотга ҳам дуч келамиз. Бу хабарлар ҳам қадимги дунёда ҳумрон бўлишни истаган подшолар учун узоқ масофа аҳамиятга эга бўлмаганлигини кўрсатади.

Қадимги Бақтрия тўғрисида Бехистун қоя тош ёзувларида, Суза саройида, Нақши Рустам ёзувларида, Доро I нинг қабридаги ёзувларда, Персепол саройининг бўртма тасвирларида ва Ксеркснинг Персеполдаги девларга қарши ёзувида сақланиб қолган. Бу манбалар В.В.Струве, В.В.Бартольд, В.И.Абаев, М.М.Дьяконов, И.М.Дьяконов, М.А.Дандамаев, Э.А.Грантовскийлар томонидан кенг тадқиқ қилинган.

Бехистун қоя тош ёзувларида, Доро I ҳайкалининг картушларида, Нақши Рустамдаги Доро I қабрида унга бўйсунган халқлар рўйхати келтирилган. Бу рўйхатларда Бақтрия турли ўринларда ёзилган. Демак, рўйхатлар географик жойлашиши ёки давлатнинг сиёсий мавқеи эътиборга олинмасдан фақат санаб келтилган. Ксеркснинг Персеполдаги девларга қарши ёзуви да ҳам Аҳамонийлар империясига қарам давлатлар рўйхати ёзилган.

Суза саройидан топилган ёзувда Доро I нинг саройини қуришда ишлатилган

олтин Бақтриядан олиб келинганлиги қайд қилинган[24, Б.38].

Персепол саройининг тош пилла пояси деворларида Аҳамонийларига тобе мамлакатлардан хирож олиб келган вакиллар суратлари акс этирилган. Бўртма тасвирилар аниқ, ҳаётий қилиб ишланган. Ўн бешинчи қаторда бешта бақтриялик қўлларида идишларни кўтариб, икки ўрқачли туяни (бакрианани)[3,Б.102] етаклаб бориш жараёни кўрсатилган. Демак, бақтрияликлар туяни ҳам солиқ сифатида тақдим қилишган.

Беҳистун қоя тош ёзувларида[19] Доро I нинг қуйидаги хабарлари ҳам мавжуд: "Марғиёна номли давлат мендан ажралиб чиқиб кетди. Марғиёналик Фрада исмли бир одам ўзини вилоятнинг ҳоқими, деб эълон қилди. Кейин мен, Бақтрия сатрапи, бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни чақириб, унга гапирдим: Менга бўйсунмаганларни тор-мор қилиш керак. Дадаршиш қўшинлари билан отланиб, марғиёналиклар билан жанг қилди. Ахурамазда менга ёрдам кўрсатди. Ахурамазда иродаси билан менинг қўшинларим қўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди. Мана менинг Марғиёнада қилганларим". Бу маълумот Бақтрия сатрапи Дадаршиш бўлганлиги ва у Доро I нинг содиқ одами бўлганлигини кўрсатади.

Аҳамонийлар ҳукмронлиги давридаги Бақтрия тарихи Геродот нинг "Тарих" асарида сақланиб қолган. Тадқиқотчилар фикрича, Геродот Марказий Осиёда бўлмаган, лекин у ўз асаридаги маълумотларни ўзидан олдин яшаб ўтган Скилак ва Гекатей нинг асарларидан фойдаланган деган хулоса беришади[3; 13, б.3; 35]. Шунингдек, Гекатей ҳам асаридаги Бақтрия тўғрисидаги маълумотларни Скилакнинг "Саёҳатнома" асарида олганлигини қайд қилишади. Бундан хулоса қилсак, Аҳамонийлар ҳукмронлиги даврига оид энг қадимий манба Скилакнинг "Саёҳатнома" асаридир. Лекин бу асар бизнинг давримизгача етиб келмаган, у Геродот ва юнон авторлари асарларидан бизгача етиб келган.

Ёзма манбаларни таҳлил қилиш жараёнидаги муаммолардан бири Бақтриянинг қай тарзда Аҳамонийлар давлатига тобе бўлганлиги масаласидир. Баъзи тадқиқотчилар Бақтрияни Кир II қурул кучи билан бўйсундирган, деган хулоса берсалар, бошқалари Бақтрия подшолиги Мидия давлатига тобе бўлган, кўпгина давлатлар қатори аҳамонийлар ҳукмронлигини тан олган деган хулоса берадилар.

Геродотнинг "Тарих" асарининг I китобида Кир II нинг Аҳамонийлар империясини ташкил этиш жараёни билан боғлиқ жанглари қуйидагича эслатишган: "Бобил, Бақтрия халқи, саклар ва мисрликлар асосий тўсиқ бўлган. Бу халқларга қарши Кирнинг ўзи бостириб боришни, ионияликларга қарши бошқа ҳарбий қўмондонни юборишни режалаштирган"[5]. Бу маълумот Бақтрия ва сакларнинг Миср ва Бобил сингари йирик давлатлар қаторида эслатилиши Бақтрия подшолигининг ўша даврда қудратли давлатлардан бир бўлганлигини кўрсатади. Лекин Кир II нинг Бақтрияга қилган юриши ёки босиб олганлиги ҳақида маълумот сақланиб қолмаган, лекин Бақтрия Кир II даврида бўйсундирилганлиги асослайдиган маълумотлар мавжуд. Бу биринчидан Кир II даврида Бақтрия сатрапи Доро I нинг отаси Гиспаст[5, 1, 153, 120-ихтибос] бўлганлиги ҳақидаги маълумот бўлса, иккинчиси археологик манбалардир. Олиб борилган археологик тадқиқот ишлари натижасида илк темир даврида ривожланган қалъалар Кучуктепа, Қизилтепа, Талашкантепа I каби ёдгорликлардан мил.авв. VI-асрга оид қатламларидан катта ёнғин излари, қалин кул қатламлари, палахмон тошлари ва ўқ қолдиқлари топилган. Бандихон-II қалъасидан катта ёнғин излари, ёнган донлар ва ёғоч қолдиқлари топилган. Минорасининг ичи 10-20 кг.ли ва ундан оғир бўлган палахмон тошлари билан тўлган[8, б.89]. Бу эса, қалъага ҳужум

давомида девор тешар қуроллардан фойдаланганликлари ва жанг ниҳоятда аёвсиз бўлганлигини кўрсатади. Вайрон қилинган Бандихон II ёдгорлиги шундан кейин қайта тикланмаган. Бандихон II қалъасидан 40 км шимоли-шарқда жойлашган Қизилтепа ёдгорлигининг арки ва шаҳристонида ҳам катта ёнғин излари аниқланган. Кейинчалик Қизилтепанинг минораси ва мудофаа деворлари лой билан тўлдирилиб, 10 м қалинликдаги мустаҳкам бир бутун мудофаа девори қилиб қайта тикланган. Қизилча VI ёдгорликда ёнғин қатлами 25-30 см.ни ташкил қилган [16, б.43]. Бу эса, Кир II нинг Бақтрия худудини жанг билан эгаллаганлиги кўрсатувчи далиллардан бири саналади. Бу ёзма манбаларда ҳам ўз аксини топган. Геродот: "Қуйи Осиёни Гарпаг одамсиз қолдирди, юқорисини Кирнинг ўзи. У халқларни бирма-бир бўйсундириб борди, лекин бирига ҳам шавқат қилмади." - деб ёзиб қолдирган. Кир II нинг шафқатсиз ва узоқ вақт Бақтрияга қарши жанглар олиб борганлиги ҳақида Ктесийда маълумотлар сақланиб қолган.

Геродотнинг учинчи китобида Доро I нинг тахтни эгаллаши ва унинг олиб борган сиёсати тўғрисида баён қилинган. Доро I давлатни 20 та сатрапликга бўлиб, уларга маълум миқдорда солиқлар белгилаган. Шу сабаб Доро I қадимги дунёда "савдогар" лақабини [5, III, 89] олган. Геродот маълумотида Бақтрия ўн иккинчи сатраплик деб тилга олинган: "Бақтрияликлардан эгларгача бўлган халқлар 300 талант солиқ тўлаганлар. Бу - ўн иккинчи ўлка" [5, III, 92]. Геродот хабарига кўра, солиқлар Бобил таланти асосида тўланган ва Бобил таланти 78 евбей миғасига тенг бўлганлиги ёзиб қолдирган. Шунингдек, асарда кумуш бобил талантиларини евбей оғирлигига айлантиса 9880 талантни ташкил қилиши ва ҳар йили Доро хазинасига жами 14 560 евбей таланти тушишини ёзиб қолдирган [5, III, 95]. Бугунги кунда тарихий асарларда ахамонийлар даври талант миқдори турлича берилиб келмоқда. Ф.А.Брокгауз ва И.А.Ефроннинг энциклопедиясида [33;31] бир талант 60 мина, бир мина 100 драхмдан иборат бўлиб, Бобил таланти тагликда ётган шер шаклида бўлган ва унинг оғир ва енгилтурлари бўлган. Талантнинг оғир тури 60,4 кг. бўлган, енгил талантни подшо таланти деб аталган, у оғир талантидан икки баробар кам бўлган. Бу эса, 30,2 кг.ни ташкил ётган. Бу маълумот асосида кўпгина тадқиқотчилар шу миқдорни беради [33]. Баъзи асарларда форсларнинг олтин таланти 25,2 кг., кумуш 33, 6 кг. ташкил ётган деб берилган [3, Б.105; 30; 31]. Э.Ртвеладзе [14, Б.85; 26] ўз тадқиқотида талант миқдорини 25,92 кг. деб беради ва шу асосида Ўрта Осиё худудидаги сатрапликлардан олинган солиқ миқдорини математик услуб асосида тахлил қилади. Бунда "Бақтриядан кумуш билан 360 талант ундирилган, яъни 8972 кг миқдорда солиқ ундирилган. Ўрта Осиёнинг бутун худудидан ҳар йили 970 талант, яъни 23000 кг. кумуш ундирилган" - деб маълумот беради.

Интернет сайтида [28] бир талантга нима сотиб олиш мумкинлиги берилган. Бу Ахамонийлар даврида Афиналиклар мисолида тахлил қилинган. Бунда бир талант 60 мина, 1 мина -100 драхма, 1 драхма-6 оболга, 1 обол-8 халкга тенг бўлган деб кўрсатилган. Мил.авв. V асрда Афиналиклар оиласининг бир кунлик энг кам харажат миқдори 2 оболни ташкил қилган. Бундай оилалар 1 талант билан 50 йил яшаши мумкин бўлган. Шунингдек, бир талантга 120 хўкиз ёки 50 та от, ёки 400 та қўй, 12 та қул сотиб олиш мумкин бўлган.

Аттика таланти қадимги Грецияда Солон ислоҳатларидан кейин, мил.авв. IV асрда жорий қилинган ва Бобил талантига нисбатан миқдори 27%га камайтирилган [34]. Талант ҳам оғирлик ўлчови сифатида ҳам пул бирлиги сифатида ишлатилган. Талант оғирлик ўлчови сифатида 36,156 кг., аттика ёки евбей кумуш

таланти 26,196 кг. деб белгиланган. Александр Македонский давридан эса, аттика таланти оғирлиги 25,902 кг. деб белгиланган[32]. Демак, Герадот маълумотида берилган ахамонийлар давридаги Бобил таланти 30,2 кг.ташқил қилган. Буни математик услуб асосида ҳисобласак, 10872 кг, яъни бир тоннадан ортиқ кумуш билан солиқ тўлаган. Бу ахамонийларга қарам ўлкаларнинг асосий солиқ тури бўлган, бундан ташқари натурал ҳолда солиқлар ундирилган.

Герадот асарининг еттинчи китобида Ксеркс I (мил.авв.486-464) даврида юнонларга қарши юриш жараёнини тасвирлашда форслар армияси таркиби ва уларнинг қуролларини ёзиб қолдирган. "Бақтрияликларнинг бошларига кийган қалпоқлари мидияликларникига жуда ўхшаган, улар қамишдан ясалган ўқ ва калта найзалар билан қуролланганлар. Бақтрияликлар ва сакларга Гистасп Доро ва Атоссанинг ўғли бошчилик қилган"[5, VII, 64].. Парфияликлар, хорасмияликлар, сўғдийлар, гандарияликлар ва дадикларнинг жангга боришдаги қуроллари бақтрияликларники билан бир хил бўлган. Шунингдек, Герадот бақтрияликлар жангда отлиқ жангчилари билан ҳам қатнашганлиги хусусида маълумот қолдирган, Грецияга қарши юришда қатнашган ҳамма халқларда ҳам отлиқ жангчилари бўлмаган.

Бақтриянинг сўнгги ахамонийлар даврида иқтисодий аҳволи акс этган тарихий ҳужжатлар Шимолий Афғонистондан топилган. Улар мил.авв. IV асрларга оид. Ҳужжатларнинг 30 таси терига, 18 таси ёғочга қора сиёҳ билан ёзилган. Уни машҳур коллекционер Насер Д.Халил олган. Унинг орасидаги битта ҳужжат мил.авв. V асрга оид бўлган. Қолганлари мил.авв. 353-324 йилгача бўлган даврга, яъни Артаксеркс III, Дария III ва Александр Македонский даврларига оид бўлган[11, Б.52-54]. Уларни исроиллик Ш.Шэкед ва Д.Наве тадқиқ қилишган[21, Б. 62]. Хатлар тўрт гуруҳга ажратилган. Бир гуруҳ хатларда юқори мансабга эга бўлган Ахвамазда ўзидан паст мансабда бўлган Багавант исмли шахсга ўзининг Артадатан чўлидаги қўрғонидаги эски бинонинг томини таъмирлашни, унинг тегирмонига дон, кунжут ва карвонига уксус етказиб бериш каби вазифаларни бажаришни ёзган. Шунингдек, хатларнинг бирида Нихшапайя шаҳрининг девори ва ҳандагида олиб борилаётган қурилиш ишларида қатнашиш вазифаларини юклаган. Хатларни тадқиқ қилган Ш.Шэкед, фикрича, Ахвамазда Бақтрия сатрапи, Багавант эса, деҳқончилик воҳаси фратаракги, яъни ҳокими бўлиши мумкин. Нихшапайя шаҳри эса, Қашқадарё Суғдида жойлашган Нахшаб шаҳри бўлса керак деган фикрни берган. Лекин, Г.А.Кошеленко ва Э.В.Ртвеладзелар бу хатларнинг мил.авв. 333-332 йилларга оидлигини инобатга олиб, бу даврда Бақтрия сатрапи Бесс бўлганлини эътироф этишади[11, Б.53; 8, Б.97]. Ахвамазда вилоят, яъни деҳқончилик воҳаси ҳокими, Багавант эса, янада кичикроқ худуд бошқарувчиси бўлган бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Бу хатларда келтирилган географик худудлар локализация ҳали таҳлил қилинмаган. Лекин Нихшапайя шаҳрининг Қашқадарё Суғдида жойлашган Нахшаб шаҳри деб қиёслаштириш мунозарали масаладир, чунки хатлар шимолий Афғонистон худудидан топилган. Худуд бошқарувларига оид ҳужжатлар кўп холларда шу худуддан узоқда сақланмаган. Бу Нихшапайя шаҳри жанубий Бақтрия худудида бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Қадимги даврда Бақтрия ўзининг ҳарбий қудрати билан ҳам машҳур бўлган. Бу ҳақда Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари даврига оид ёзма манбаларда маълумотларсақланиб қолган.

Квинт Курций Руфнинг "Буюк Александр Македонский тарихи" асари Рим

императори Кладий даврида (милодий 41-54) лотин тилида ёзилган бўлиб, 10 томдан иборат бўлган. Унинг I-II томлари йўқолган. Уларда Александрнинг тахтни эгаллашидан то Кичик Осиёга қилган юришлари баён қилган эди. Уларда мил.авв. 333 йилдан то Александр Македонский ўлимигача бўлган давр ёритилган. Квинт Курций Руф Македонский фаолиятининг салбий баҳолаган қадимги тарихчилар Плутарх, Каллисфен асарларидан ҳам фойдаланган. Македонский фаолиятини объектив ёритишга интилган ва Македонский фаолиятининг ожиз томонларини ҳам ифодалангани учун юнонлар асарга яхши баҳо бермаганлар.

Квинт Курций Руф ўз асарида бақтрияликларга қуйидагича таъриф беради: "Бақтрияликлар бу қабилалар орасида энг жанговор ва жиддий, одатлари бўйича форсларга ўхшамайди; улар урушқоқ скиф қабиласи узоқ бўлмаган жойда яшашади." [10, Б.59] Бу маълумот орқали биз бақтрияликларнинг ўзига хос характерга эга эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Асарда Ахамонийлар давлатига қарам халқлар билан биргаликда бақтрияликлар ҳам Македонскийга қарши курашда актив қатнашганликлари ҳақида маълумот берилган. Доро III Македонский қўшинидан қочиб бораётган даврда ҳам унинг асосий ҳимоячилари Бесс бошчилигидаги бақтрияликлар бўлган. Бу ҳақда қуйидагича келтирилган: "Александр ундан 1500 стадий узоқликда, лекин унинг тез ҳаракатланаётгалиги учун бу масофа узоқ ҳисобланмас эди. Шунда, Доро биринчи навбатда қочишдан кўра, жангга тайёрланар эди. Унинг орқасидан 30 минг пиёда жангчилар, улар орасида унга содиқ бўлган 4 минг юнон борар эди. Палахмончилар қўшини ва ўқчилар 4 минг киши эди, бундан ташқари унда 3300 отликлар, асосан бақтрияликлар эди. Уларга Бақтрия префекти Бесс қўмондонлик қилган" [10, Б.103]. Доро III чекиниб бориш жараёнида, унинг ҳамроҳи Бесс бошчилигидаги бақтрияликлар доимо ёнида бўлган. Доро III ўлдирилгач, Бесс Бақтрияга қочиб борган. Бесснинг ўз шоҳига қилган ҳиёнатини кечира олмаган Македонский уни таъқиб қилиб, Бақтрия кириб борган. Македонский Бессни асирга олган бўлишига қарамай, яна ҳудудда босқинчилик ҳаракатларини давом қилдирган.

Квинт Курций Руф асаридан бақтрияликларнинг барчаси ҳам Македонскийга бирдай бўйсунмаганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз: "...у(Александр Македонский) Гевестионни жангчиларнинг бир қисми билан қишга озиқ-овқат ғамлаш учун Бақтрияга юборди. Вилоят олдин Клитга қарашли эди, у уни Аминтага берди, ўзи эса, Ксенипга келди. Бу вилоят Скифия билан черадош.... Илгари бу ер Александрга қўшилмаган бақтриялик қочоқлар учун бошпана бўлган; подшо келганлигини эшитгач, маҳаллий аҳоли уларни ҳайдадилар ва улар 2 минг 500 га яқини тўланганди. Отлиқ бақтрияликлар, улар тинчлик даврида ҳам қароқчилик қилишга одатланган эдилар, ҳозир уруш даврида кечирилишларига умиди йўқлиги учун ҳам янада вахшийлашиб кетишган. Натижада улар кутилмаганда Александрнинг вакили Аминтага хужум қилдилар, узоқ вақт натижасиз жанг бўлди. Оқибатда 700 та одамни йўқотдилар, улардан 300 таси асирга тушди, бақтрияликлар қочиб кетдилар, лекин улар ўзлари учун қасос олдилар: 80 македониялик ўлдирилди, 350 таси яраланди. Лекин бу иккинчи марта ҳиёнати эди, улар кечирилди" [10, Б.171].

Александр Македонский Бақтрияни эгаллагач, унинг қўшини таркибида унга қарам бўлган халқлар вакиллари ҳам бўлган. Квинт Курций Руф асарида буни Македонский сўзи билан қуйидагича келтиради: "Мен билан бирга бўладиган одамларни топаман. Сизлар мени ташлаб кетаяпсизлар,-мен билан скиф ва

бақтрияликлар бўлади, яқиндагина менинг душманларим, энди бизнинг аскарларимиз. Кўмондоннинг ялворгандан кўра ўлгани маъқул. Уйларибизга кетаверинг! Кетинглар, подшоларибизни ташлаб кетиб, байрам қилинглар! Мен бу ерда галаба учун жой топаман, сизлар бунга ишонмадинглар..." [10, Б.205].

Македонский кўшини таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари бўлганлигини Арриан ҳам кўрсатиб ўтган. Жумладан, Македонскийнинг Ҳиндистонга юриши жараёнини қуйидагича изоҳлайди: "Александр ўзининг агема "дўстларини", гиппарх Гефестион, Пердикка ва Деметрий, отлич бақтрияликлар, суғдийлар, скифлар, даилар. йўлдан йироқда, яширинча оролга ва тоғлар олдида бордилар"[2, V, 12,2]

Квинт Курций Руфдан кейин яшаган юнон муаллифи Аррианнинг "Искандарнинг юришлари" асарида Македонскийнинг Бақтрияни эгаллаш жараёни қуйидагича баён қилинган: "Александр Драпсакга келиб, жангчиларига дам берди. Уларни Аорн ва Бақрага олиб борди: бу Бақтрия еридаги энг катта шаҳарлар эди. Уларни эгаллаб, Аорн аркида ўзининг дўстларидан бири Ардрокловнинг ўғли Архелай бошчилигида горнизон қолдирди. Қолган бақтрияликлар, деярли жангсиз таслим бўлдилар, уларга форс Артабазни сатрап қилиб қўйди"[2, III, 29,1] Ёзма манбаларда тилга олинган Габаза, Паретакена, Бубакен худудлари босиб олинганлиги ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

Бақтрия ҳақидаги хилма-хил маълумотлар қадимги юнон тарихчилари Полибей, Страбон, Диадор, Плиний, Юстин, Плутарх ва бошқаларнинг асарларида учрайди. Страбоннинг "География" асарида қадимги Бақтрия давлатининг географик жойлашуви, пойтахти, кўшни давлатлари ҳақида маълумотлар берилган. Бу И.Н.Хлопин, И.В.Пьянковлар томонидан кенг таҳлил қилинган[13; 23].

Мил. авв. III аср ўрталарига келганда Бақтрия худудида юнон-Бақтрия давлати ташкил топади. Бу маълумот Помпей Трог, Юстин ва Страбон асарларида ёритиб ўтилган. Бунда Александр вафотидан кейин Салавкийлар давлати ташкил топиши ва ундан юнон-Бақтрия давлатининг ажралиб чиқиши ёритилган. Бу асарларда юнонларнинг марказий ҳокимиятдан норозилиги туфайли деб кўрсатилса, кўпчилик тадқиқотчилар нумизматик далилларга асосланиб уни тинч йўл билан ажралганлигини қайд қилишади[8, б.156,157]. Юнон-Бақтрия давлати тарихи бўйича кўплаб нумизматик материаллар мавжуд.

Бақтриянинг мил.авв. II-I асрларга оид маълумотлар хитой манбаларида ҳам учрайди. Бу даврларга оид хитой манбалари Н.Я.Бичурин, А.Хўжаев, А.Абдурасул ўғли томонидан ўрганилган. Хитой манбаларидан Сима Цяннинг "Тарихий хотиралар" (мил.Авв. II-I асрлар) ва Бан Гунинг "Ханнома" (мил.авв. I аср), "Хитойнинг 24 сулолавий тарихи" асарлари бугунги кунда тадқиққилинмоқда. Уларни ўрганиш асосида Фарғона, Қангюй давлатлари тарихига оид қимматли маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Шунингдек, Бан Гунинг "Ханнома" асарида бақтрияликлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. А.Хўжаевнинг "Буюк ипак йўли" китобида у қуйидагича ифодаланган: "Чжанг Чян У-дига "Усунлар Хитой билан бирлашгандан сўнг, уларнинг гарбидаги Бақтрия каби хонликларни қўлга киритиш ва уларни Хан сулоласининг чет эллардаги мустамлакасига айлантириш имкони бўлади" деган фикрни билдирган"[25, Б.151]. Шундан сўнг Чжанг Чян ҳоқон эътиборига сазовор бўлган. У У-дига Бақтрияга борадиган учта қуйидаги йўлларни кўрсатиб ўтган: Биринчиси, кянглар юртидан ўтган. Улар Шарқий Туркистон ва Хуанхе дарёсининг юқори қисмида яшаганлар. Бунда Тибет орқали Ҳиндистон ва Бақтрияга бориш мумкин бўлган, лекин бу йўл хатарли йўл ҳисобланган. Кянглар

хитой элчиларини ўз ердан ўтишига йўл қўймаганлар. Иккинчи йўлдан бориш ҳам мумкин бўлмаган, чунки бу йўл хунлар ерларидан ўтган. Учинчи йўл Хитойнинг жануби-ғарбидаги Шу (Сичуан) вилоятидан Ҳиндистонга ўтиб, ундан Бақтрия бориш хатарсиз эканлигини кўрсатган. Шунингдек, хитой савдогарларининг ҳам шу йўлдан фойдаланиши айтган, шу йўл орқали ипак матолари Бақтрияга етиб бораётганлигини таъқидлаган[25, Б.151]. Шундан сўнг ҳоқон У-ди Бақтрияга яқин йўл излаб кўп маблағ сарфлаб, элчиларни Ҳиндистонга иккинчи марта жўнатади. Элчилар бир вақтнинг ўзида тўрт жойдан йўлга тушади. Уларнинг юрган йўлларнинг ҳаммаси Бақтрияга олиб бориши лозим эди. Лекин элчиларнинг режаси барбод бўлган. Уларни ўша ерларда яшайдиган қабилалар ўтишига йўл қўймаган.

Хитой манбаларида берилган бу маълумотлар орқали биз буюк ипак йўли дастлаб Тибет орқали Ҳиндистонга, ундан Бақтрияга ўтиб борганлигини кўраемиз. Хитойлик савдогарларнинг Бақтрияга борганликлари ҳақида археологик маълумотлар орқали ҳам тасдиқланган. Бу маълумотлар қадимги даврда Бақтрия ўлкасидан халқаро савдо йўли ўтганлигидан далолат беради.

Қадимги Бақтрия давлати ўзининг қудрати, табиий бойликлари, аҳолисининг жанговорлиги ва ўзига хос табиий шароити билан қадимги давлатлар орасида юксак салоҳиятли давлат сифатида ажралиб турган. Унинг бу хусусияти дунёнинг йирик империяларини ўзига жалб қилиб, Кушонлар империяси даврига келганда, Бақтрия ўлкаси жаҳон сиёсий майдонида ўз қудратини янада қудратлироқ намойиш этди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Авеста. "Закон против дэвов". (Видевдат). Адаптированный перевод, исследование и комментарии Э.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидова, Е.В.Абдуллаева. Спб. 2008
2. Арриан. Поход Александра / Пер. с латинского М.Е. Сергеенко, предисловие О.О.Крюгера. М.:1993.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т.: 2015.
4. Баратов С. Материалы археологических исследований истории древнего Самарканда. //Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 1. Т.:2014.
5. Геродот. История в девяти книгах.(пер. Г.А. Страновского). Ленинград. 1972.
6. Диодор Сицилийский.Историческая библиотека. Перевод. Д.В. Мещанский, М.Огинский и др. 2.1.6.2.www. simposium.ru
7. Дьяконов И.М. Ассиро-вавилонские источники по истории Урарту // ВДИ.1951.№ 2. 335-336 бетлар.
8. История государственности Узбекистана: В 3-хт./Авт.Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова и др. Т.:2009.
9. Nichols A. The fragments of Ctesias of Cnidus: translation and commentary with a introduction. A dissertation presented to the graduate school of the university of Florida in partial fulfillment of the requirements for the degree of doctor of philosophy. University of Florida. 2008.
10. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре. М.: 1993.
11. Кошеленко Г.А. Новые письменные документы по истории

Центральноазиатского региона в древности. /Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданият тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. Тошкент-Самарқанд, 2007. 52-54 бетлар.

12. Кузьмина Е.Е. К вопросу о формировании культуры Северной Бактрии ("Бактрийский мираж" и археологическая действительность). ВДИ. № I. 1972.

13. Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции (Общие данные о стране: название и территория). Душанбе, Дониш, 1982.

14. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. - Т.: 2005.

15. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдулаев Е.В. Қалимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихи лавҳалар. -Т.: 2001.

16. Сагдуллаев А. Ртвеладзе Э. В стране золотого огня. Т.: 1983.

17. Садаев Д.Ч. История древней Ассирии. М.: 1979.

18. Строецкий В. М. Введение к "Исторической библиотеке" Диодора Сицилийского. / Вестник древней истории, 1986, № 2, 65-82 бетлар.

19. Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л.: 1968.

20. Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). т. ф.д. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. Самарқанд, 2009.

21. Shaked Sh. Le satrape de Bactriane et son gouverneur. Documents araméens du IVe s. avant notre ère provenant de Bactriane (Persika 4). Paris, De Boccard, 2004.

22. Фрай Р. Наследие Ирана. М.: 1972.

23. Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. Ашхабат, 1983.

24. Хрестоматия по истории Древнего Востока. М.: 1980.

25. Хўжаев А. Буюк ипак йўли. Т.: 2007.

26. Money, Weights and Measures in Antiquity. <http://www.livius.org>

27. Скилак. wikipedia.org.

28. Талант и талан. gousseau.livejournal.com.

29. Талант - денежная единица. <http://istorija-deneg.ru>.

30. 10000 талантов и 100 динариев. <http://pretre-philippe.livejournal.com>

31. Талант (единица измерения) [www.wikipedia.org](http://wikipedia.org).

32. Талант и талан. gousseau.livejournal.com.

33. Энциклопедия Ф.А. Брокгауза и И.А. Ефрона. Талант мера, веса. www.dic.academic.ru.

34. Эгинская монетная система. www.gufo.me.

35. wikipedia.org/wiki/Семирамида.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000